

## **“Урганчкорммаш” АЖ акциядорлари диққатига!**

Хурматли акциядорлар, “Урганчкорммаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 29.06.2024 й. соат 11:00 да, Урганч ш., Хонқа кўчаси 26-уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

### **Кун тартиби:**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича аудитор ташкилотнинг аудит хулосасини кўриб чиқиш
7. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш ва 2023 йил якуни бўйича йиллик дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2024 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. “Урганчкорммаш” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳолаш ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш.
10. Жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этилиши масаласини кўриб чиқиш ва натижалари юзасидан хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
13. Жамият Ижроия органини сайлаш.
14. Жамиятнинг 2024 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
15. Жамиятнинг мутлақ таъсисчилигида ташкил этилган “Урганч РАНЧ технология университет” МЧЖга банк кредити учун гаров таъминоти сифатида қатнашиш тўғрисида.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 25 июнь ҳолатига тузилади.

Йиғилиш кун тартибидаги материаллар билан, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси 26-уйда жойлашган жамият биносида танишиш мумкин.

e-mail: [oao\\_ukm\\_uz@mail.ru](mailto:oao_ukm_uz@mail.ru)

Тел: 0 (362) 227-77-71

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.